
ФАРЗАНДЛАРИНГ БИЛАН ФАХРЛАН, РИШТОН!

**Фарғонада футбол бўйича 2004-2005 йилларда туғилган футболчилар ўртасида
Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди. Мусобақада Миркамол Қосимов бошчилик
қилаётган "Бунёдкор" футбол академияси жамоаси ғолибликни қўлга киритди.**

Кувонарлиси, ғолиб жамоа сафида Риштон футболи тарбияланувчиси саналган Шаҳзодбек Акбаралиев ҳам бор эди. Футбол сирларини туманимиздаги 27-ИДУМ ва туман БЎСМда ўрганган Шаҳзодбек бугунги кунда "Бунёдкор" футбол академиясида таҳсил олмоқда.

Риштонлик истеъдодли ўйинчи шунингдек, турнирдаги иккита - Энг яхши ярим ҳимоячи" ва "Энг яхши ўйинчиси" номинацияда ҳам ғолиб деб топилди. Унга совринларни ўзбек футболининг юлдузлари Носирбек Отакўзиев, Анвар Бердиев ва Акмал Холматовлар топширишди.

Шаҳзодбекни спорт маҳорати ошишида мураббийи Миркамол Қосимов (Миржалол Қосимовнинг ўғли) ва унинг оиласидаги биринчи мураббийи отаси - тадбиркор Нодиржон Давлатовларнинг хизматлари беқиёсдир.

Эркинжон Тошқўзиев,

27-ИДУМ жисмоний тарбия фани ўқитувчisi.

2021-12-20 08:47:28